



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 29 - январ

1620 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Рахимова Гавхарга “Нурли маскан” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Тикувчилик ва маиший хизмат кўрсатиш” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Рахимова Гавхарнинг “Нурли маскан” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Тикувчилик ва маиший хизмат кўрсатиш” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 26 январдаги ШЯ-Р-275-сонли аризасини, Боғот туман ҳокимининг 2015 йил 18 ноябрдаги 1852қ-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 26 январдаги 274-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Нурли маскан” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами қурилиш ости майдони 262,25 квадрат метр, умумий ер майдони 600,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу қурилиши тугалланмаган “Тикувчилик ва маиший хизмат кўрсатиш” биноси фуқаро Рахимова Гавхарга тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. Фуқаро Рахимова Гавхар ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу қурилиши тугалланмаган “Тикувчилик ва маиший хизмат кўрсатиш” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев